

ЕР ФОНДИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Навотова Дилноза Иброгимовна
ўқитувчи,
Қарши давлат университети

Шерқулов Шахзод Ихтиёр ўғли
4-курс, талаба
Қарши давлат университети

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилоятида ер фондининг фойдаланиш турлари бўйича ҳамда қишлоқ хўжалик ерларининг, хусусан, суғориладиган ерларнинг туманлар кесимида тақсимланганлиги иқтисодий-статистик таҳлил ва географик таққослаш методлари орқали баён қилинган.

Калит сўзлар. Ер фонди, қишлоқ хўжалиги, суғориладиган ерлар, экин ерлари, яйловлар.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СТРУКТУРНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ ЗЕМЕЛЬНОГО ФОНДА (НА ПРИМЕРЕ КАШҚАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)

Аннотация. В статье рассмотрено распределение земель сельскохозяйственного назначения, особенно орошаемых, в районах Кашкадарьинской области по видам землепользования, на основе экономико-статистического анализа и методов географического сопоставления.

Ключевые слова. Земельный фонд, сельское хозяйство, орошаемые земли, пашня, пастбища.

ECONOMIC CHARACTERISTICS OF STRUCTURAL CHANGES OF THE LAND FUND (EXAMPLE OF KASHKADARYA REGION)

Annotation. The article describes the distribution of agricultural land, especially irrigated land, in the districts of Kashkadarya region by types of land use, through economic-statistical analysis and geographic comparison methods.

Keywords. Land fund, agriculture, irrigated land, arable land, pastures.

Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ер фонди таркибига, ер ресурсларининг ердан фойдаланувчилар, ҳудудлар, ер участкалари ижарачилари ва мулқдорлар ўртасида тўғри ва оқилона тақсимланишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан Қашқадарё вилояти ер фонди ва унинг таркибидаги таркибий ўзгаришларни таҳлил қилиш, уларнинг асосий ва устувор йўналишлари ҳамда тенденцияларини аниқлаш вилоят ер ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутади. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Ер Кодексига”

мувофиқ ер умуммиллий бойлик ҳисобланади. Шу сабабли ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ундан илмий асосда табиий-иктисодий ва ҳудудий омилларни ҳисобга олиб оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳукуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳукуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш иктисодий муносабатларни эркинлаштириш жараёнлари изчиллик билан амалга оширилаётган бугунги кунда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифалар жумласига киради.

Ер хўжалик ишлаб чиқариши воситаси сифатида миқдорий жиҳатдан чекланган табиий ресурслардан биридир, ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиши билан танқис бўлиб боради. Ер ресурсларидан, айниқса уларнинг иктисодий жиҳатдан энг қимматли бўлган қисми-сугориладиган ерлардан фойдаланишда нафақат республикада, балки бутун дунёда ҳам қатор муаммолар мавжуд бўлиб, бу муаммолар ўзининг илмий-амалий ечимини кутмоқда. Аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий этибори ҳам сугориладиган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган [3; 28 б.].

Жаҳон миқёсида ер ресурсларидан фойдаланишда уларни маълум бир турларга, яъни ер фондига ажратиб ўрганилади. Ер фонди бу маълум ҳудудда, унинг чегаралари ичида (мамлакатда, вилоятда, туманда ва ҳоказо) хўжалик юритиш, мулкга эгалик қилиш, фойдаланиш, ижара объектлари ҳисобланган барча ерларнинг йиғиндисидир [9; 5 б.]. Ўзбекистонда ҳам ердан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида ер фонди ташкил этилган.

Ер фонди таркибини турли гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин. Хусусан, қишлоқ хўжалигига ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан ер фонди таркибини қуйидаги белгилари бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқ:

- белгиланган мақсадга кўра;
- сифат ҳолатига кўра;
- маъмурий-худудий бўлинишига кўра;
- хўжалик мақсадида фойдаланишига кўра;
- ердан фойдаланувчилар таркибига кўра.

Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш хусусиятига кўра ер фондини икки гурухга ажратиб ўрганиш мумкин: асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланилаётган ерлар ва иқтисодиётнинг саноат ва бошқа тармоқларини жойлаштириш учун макон вазифасини бажараётган ерлар. Жами ер фондида иккинчи гуруҳ ерлари улушининг ўсиб бориши қонуният ҳисобланади, чунки саноат, транспорт ва бошқа тармоқларнинг ривожланиши, йўллар қурилиши каби жараёнлар ҳамда ер ресурсларининг чекланганлиги қишлоқ ва ўрмон хўжалик ерларининг бир қисмини улар учун ажратиб беришни тақозо этади. Бу ҳолат ер ресурсларидан самарали фойдаланишни шарт қилиб қўювчи объектив сабаблардан бири ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ер фонди таркибини бундай гурухлаш умумий характерга эга бўлганлиги боис ердан оқилона фойдаланиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ амалий вазифаларни ҳал этиш имконини бермайди. Шу сабабли ер фондини мақсадли фойдаланиш йўналишига кўра ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”га мувофиқ ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра 8 тоифага ажратилган:

1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган - қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали довдараҳтзорлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2) аҳоли пункт (шахарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пункт)ларининг ерлари – шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

3) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларда мўлжалланган ерлар – кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахслар учун берилган ерлар;

4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар – алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек, оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланилайдиган ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;

6) ўрмон фонди ерлари – ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

7) сув фонди ерлари – сув обьектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув обьектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

8) захира ерлар.

2022 йил 1 январь ҳолати бўйича Қашқадарё вилоятининг умумий ер майдони 2856,8 минг гектарни ташкил этиб, умумий ер майдонининг 82,0 фоизини қишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратилган. Бундан ташқари умумий ҳайдалма ерларининг 99,5 фоизи, дараҳтзорларнинг 98,2 фоизи, бўз ерларнинг жами ҳамда, яйлов ва пичанзорларнинг 91,8 фоизи қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилади. Шунингдек, ўрмон фонди ерлари қишлоқ хўжалиги ерларидан кейин иккинчи ўринда турган бўлиб, умумий ер майдонининг 11,0 фоизини (326,9 минг га) ташкил қиласди. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар – алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек, оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланилайдиган ерлар умумий ер фондининг 3,0 фоизини (75,1 минг га) ташкил қиласа, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларда мўлжалланган ерлар – кўрсатилган мақсадларда

фойдаланиш учун юридик шахслар учун берилган ерлар 2,0 фоизни (67,9 минг га) ташкил этади. Қолган тоифадаги ерларнинг улуши эса анча паст бўлиб, жами 2,0 фоизни ташкил этади, холос (1-расм). Бу маълумотларнинг барчаси келажакда вилоятда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун қулай имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади.



1-расм. Қашқадарё вилоятида ер фондининг фойдаланиш турлари бўйича тақсимланиши (2022 й. 1 январ ҳолатига, % ҳисобида)

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ҳолатини баҳолашда албатта мазкур ҳолатнинг вилоят туманлари бўйича тақсимланишини ҳамда мавжуд қишлоқ хўжалик ерларининг таркибида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун асосий восита бўлган сугориладиган ерларнинг улушкини алоҳида эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Маълумотлардан кўринадики, 2022 йилда вилоят бўйича умумий ер майдонининг 18,0 фоизи, экин майдонларининг эса 61,8 фоизини сугориладиган ерлар ташкил этган (1-жадвал). Бу кўрсаткич туманлар бўйича кескин фарқ қилиб, вилоят текислик худудидаги яъни, ўзлаштирилган туманларда сугориладиган ерлар улушининг юқорилигини кўриш мумкин [4,

6]. Масалан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ажратилган экин майдонлари таркибида суғориладиган ерлар улуши Касби, Миришкор, Нишон туманларида 100 фоизни, Муборак туманида 94,1 фоизни, Қарши туманида 93,0 фоизни, Косон туманида 83,8 фоизни ташкил қилган.

1-жадвал

Қашқадарё вилояти туманлари бўйича жами қишлоқ хўжалик ерларининг таҳсимланиши (2022 йил 1 январ ҳолатига)

№	Туманлар	Умумий ер майдони			Экин ерлари		
		жами, минг га	шу жумладан		жами, минг га	шу жумладан	
			Суғори- ладиган, минг га	жамига нисбатан, % хисобида		Суғори- ладиган, минг га	жамига нисбатан, % хисобида
1	Ғузор	265,230	34,979	13,2	61,453	31,104	50,6
2	Дехқонобод	395,652	2,926	0,7	44,561	1,868	4,2
3	Қамаши	245,735	34,844	14,1	62,886	28,027	44,5
4	Қарши	91,633	48,622	53,1	43,609	40,502	93,0
5	Косон	187,241	73,632	39,3	73,172	61,288	83,8
6	Касби	73,479	50,537	68,8	44,527	44,527	100
7	Китоб	174,269	20,282	11,6	20,260	8,313	41,0
8	Миришкор	312,538	63,358	20,3	55,924	55,924	100
9	Муборак	307,013	35,014	11,4	33,592	31,612	94,1
10	Нишон	211,128	57,235	27,1	52,132	52,132	100
11	Чироқчи	283,686	30,227	10,6	122,993	22,705	18,5
12	Шахрисабз	165,472	25,587	15,4	24,405	17,470	71,6
13	Яққабоғ	134,947	34,598	25,6	35,658	21,308	60,0
14	Қарши ш.	7,551	1,735	23,0	0,534	0,503	94,0
15	Шахрисабз ш.	1,215	0,538	44,3	-	-	-
	Жами	2856,799	514,114	18,0	675,706	417,283	61,8

Ҳозирги кунда ердан қишлоқ хўжалигида оқилона фойдаланишни энг тўғри йўлларидан бири фойдаланишни ҳудудий ташкил этишдир [1; 36 б.]. Бунга қўйидагилар сабаб бўлади:

- Ердан фойдаланиш доимий ўзгармас жой билан боғлиқ. Уни ишлаб чиқариш воситаси сифатида бир жойдан иккинчи жойга қўчириб бўлмайди, табиат томонидан яратилган тупроқ унумдорлиги қаерда мавжуд бўлса, ўша ердагина фойдаланиш мумкин. Бу эса ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга, айниқса, қишлоқ хўжалигига катта таъсир кўрсатади.

- Ер ресурсларидан фойдаланиш бошқа агроиклиний омиллар (ёруғлик, ҳарорат, намлик) ва ўсимлик ўсиши мумкин бўлган даврий маром билан

боғлиқ. Шу ўринда меҳнат жараёнини ташкил этиш ҳам фаслий маромга мос ҳолда бўлиши лозим.

- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида табиатдан ресурснинг ўзи эмас, фақатгина унинг ёрдами билан маҳсулот олинади ва шу боис асосий хусусияти унумдорлик ҳисобланади. Ваҳоланки бошқа ишлаб чиқариш воситалари фойдаланиш жараёнида табиатдан узиб олинади, эскиради ва тугайди. Ер эса табиат измида қолади ва ундан тўғри фойдаланилганда янгиланиб, унумдорлиги ортиб боради [2, 6].

Ер фондининг тоифалари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг асосий тармоқлари таркиби билан белгиланади. Шу сабабли улар ўзгармас ҳисобланмайди ва бир тоифадан иккинчи тоифага ўтиб туриши мумкин. Ерларнинг бир тоифадан бошқа тоифага ўтиб туриши натижасида ер фондида таркибий ўзгаришлар юз беради. Қашқадарё вилояти географик ва худудий жойлашувининг ўзига хос жиҳатлари, яъни унинг тоғ ва тоғолди зоналарида жойлашганлиги ўрмон хўжалиги ерлари улушининг нисбатан юқори бўлишига олиб келиб, бу борада катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Бу эса вилоят ер ресурслари қишлоқ хўжалигини юритиш учун қулай имкониятларга эга эканлиги ва бу ерда дехқончилик ҳамда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш истиқболлари юқори эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. – Т: Fan va texnologiya, 2014. – 340 б.
2. Аҳмадалиев Ю.И. Ердан фойдаланишни худудий ташкил этишнинг социал – экологик хусусиялари // Ўзбекистон география жамияти. – Т., 2003. 23-жилд. – Б. 58-59.
3. Арманд Д. Л. Географическая среда и рациональное использование природных ресурсов/Отв. ред. д.г.н. [Э. М. Мурзаев](#). - М.: Наука, 1983. – 240 с.
4. Навотова Д.И. Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигига фойдаланишни тадқиқ қилишининг назарий-услубий жиҳатлари// Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS). Volume 2 | issue 1 | Tashkent,Uzbekistan. 2022. – Р. 321-327
5. Навотова Д. И., Хайдарова Ф. Географические особенности использования зарубежного опыта использования земельных ресурсов в хозяйственных

- хозяйствах //Экономика и социум. – 2022. – №. 4-3 (95). – С. 198-202.
6. Навотова Д. И. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги географияси ва уни карталаштиришнинг баъзи масалалари //Экономика и социум. – 2022. – №. 3-2 (94). – С. 721-725.
7. Сафаров И. Б., Расулов Ф. И. Социально-экономические проблемы и перспективы развития городов Каракалпакской области // Экономика и социум. – 2024. . – №. 1 (116). – С. 1304-1311
8. Султонов Ш. А., Навотова Д. И., Алиева Д. И. Қашқадарё вилояти минерал ресурслари ва улардан фойдаланишнинг географик хусусиятлари //SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY" NUR-SULTAN, KAZAKHSTAN. – 2020. – С. 12-15.
9. Султанов.Ш.А. (2020). Петрохимические и геохимические особенности дайковых серий северной части Чакылкалинского мегаблока (южный Узбекистан). *TECHника*, (3), С 24-33.
10. Ўзбекистон Республикаси ер фонди. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография вадавлат кадастр давлат қўмитаси маълумотлари (<https://ygk.uz>). – Т., 1991 2018 й/р.
11. Navotova D.I. Internal differences in the use of land resources in the agriculture of Kashkadarya region// Eurasian Journal of History, Geography and Economics. Volume 12. Belgiya. 2023. - P.100-104
13. Faizullaev M.A. Factors of intensive development of agriculture in ensuring food security // Web of Scientist: International Scientific Research Journal. Vol. 4 No. 1 (2023) – p. 715-719. ISSN 2776-0979 (Йирик нашриётлар ва маълумотлар базаси, Directory of Open Access Journal №25, Scientific Journal Impact Factor №23) SJIF=6.595
14. Faizullaev M.A. Theoretical and methodological aspects of the economic geographical study of agriculture and the use of land and water resources// Eurasian Journal of History, Geography and Economics. Volume 16, Belgium, 2023. – P. 39-42
15. Navotova D. I. Theoretical and methodological aspects of resources of land resources in agriculture, Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. P. 40-44.
16. Sh.A.Sultonov, “Ko‘mirning hosil bo‘lishida tektonik jarayonlarni tutgan o‘rni”. Journal of new century innovations. 47/1. 22-29-betlar. <https://newjournal.org/index.php/new/article/view/11593>
17. Sultonov Shuxrat Adxamovich, Sultonov Nekro‘z Aliqulzoda, Yer tarixida kechgan metallogenik bosqich va davrlar haqida ayrim mulohazalar. Лучшие интеллектуальные исследования: Vol. 16 No. 1 (2024). 105-112-betlar.
18. Safarov I. B. Geographical features of pilgrimage tourism (in the case of Kashkadarya region) //Экономика и социум. – 2023. – №. 2 (105). – С. 321-324.
19. Safarov I., Toshquvatov I. Organization of mountain tourism in Kashkadarya region and its significance //Евразийский журнал математической теории и компьютерных наук. – 2024. – Т. 4. – №. 3. – С. 7-12.
20. Yigitali Zuxurov, Sultonov Shuhrat. “The use of geographic information systems in modern cartography”. Universum: texnicheskie nauki 11-6 (104) (2022): 52-55. <https://cyberleninka.ru/article/n/the-use-of-geographic-information-systems-in-modern-cartography>